O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2002 йил 17 январь пайшанба

Сотувда эркин нархда № 12 (2840)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

27 январь — умумхалқ референдуми куни

Шу йилнинг 27 январида мамлакатимизда умумхалқ референдуми бўлиб ўтади. Ҳозир унга тайёргарлик ишлари қизғин тус олган, участка комиссияларида семинарлар бўлиб ўтмоқда, референдумни юксак даражада фаоллик билан ўтказиш учун ҳозирлик кўрилмоқда.

Икки палатали парламент тузиш ғояси илк бор Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2000 йил 25 май куни Олий Мажлис иккинчи сессиясида олға сурилган эди. Бугун бу ғояни амалга татбиқ этишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Шу билан бирга, профессионал парламент тузиш учун муайян шарт-шароит яратилгани, керакли тажриба орттирилгани ҳам мазкур масала ўз вақтида кун тартибига қўйилганидан далолат беради.

Қуйидаги мақола бўлажак референдум ва унда илгари сурилган масалалар, уларнинг мазмун-моҳияти, парламентчилик тажрибаси, икки палатали тизимнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида.

РЕФЕРЕНДУМ — ХАЛҚ БИЛАН МАСЛАҲАТ

Жамият тараққиётига доир муҳим ва жиддий масалалар кун тартибига қўйилганида халқ билан бамаслаҳат иш кўриш миллий давлатимиз тарихида қадимдан мавжуд.

Референдум — халқнинг фикрини билиш, халқ билан маслаҳатлашиб олиш демакдир. Мамлакатимизда бу тадбир Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги қонун ва бошқа қонунлар асосида умумхалқ сўровини ўтказиш орқали амалга оширилади. Шу йўл билан фуқароларга давлат, жамият ҳаётига тегишли ғоят муҳим қарорлар қабул қилишда бевосита иштирок этиш учун ҳуқуқий имконият берилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг II боби, 7-моддасида: "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир" дейилган. 9-моддасида эса: "Жамиятда давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади", деб алоҳида таъкидланган. Мана шундан келиб чиқиб, келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси парламентининг икки палатали қилиб сайланиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциявий ваколат муддатини ўзгартириш масалалари жамият ва давлат ҳаёти учун муҳим бўлгани боис умумхалқ муҳокамасига тақдим қилинмоқда. Биз, ҳаммамиз 27 январь куни ана шу масалалар юзасидан ўзимизнинг муносабатимизни, фикримизни, хоҳиш ва иродамизни билдиришимиз лозим бўлади.

"Референдум" лотинча сўз бўлиб, "refero" — "хабар бераман" сўзидан келиб чиққан. Бу тушунча халқнинг умумий овоз бериши, деган маънони англатади. Бошқача айтганда, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан фуқароларнинг фикрини аниқлашдир. Шу маънода "референдум — сайловлар билан бир қаторда, халқ иродасининг бевосита ифодаси", яъни демократиянинг энг муҳим институтларидан биридир.

Кўпчилик фикри билан иш тутиш давлатчилигимиз тарихида ҳам учрайди. Соҳибқирон Амир Темур ўз "Тузуклар"ида давлатчиликка алоқадор бўлган катта ва муҳим масалаларни кўпчилик иштирок этган машварат ва маслаҳат воситасида ҳал қилишини айтган.

Маълумотларга қараганда, референдум Европада илк бор 1439 йилда Швейцариянинг Берн кантонида қўлланган. 1874 йилга келиб Швейцария Конституцияси референдумни умуммиллий даражага кўтарган. Ҳозир демократия ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигида референдум XIX асрнинг охирги чорагидан бошлаб кенг қўлланилган.

Сиёсатшунослар ва маълумотларга кўра, референдум Ғарбий Европа мамлакатларида (Швейцариядан ташқари) юздан ортиқ марта ўтказилган. Биргина Францияда XVIII асрдан бошлаб шу кунга қадар 17 марта референдум ўтказилган.

Референдум институти Миср, Сенегал, Филиппин, Мадагаскар, Эфиопия ва Жанубий Африка каби ривожланаётган мамлакатлар конституцияларидан ҳам ўрин олган ва амалиётда қўллаб келинади. Ана шу ва бошқа далилларга таяниб айтиш жоизки, референдум амалиётга татбиқ этилаётган мамлакатларнинг географияси жуда кенг.

Референдумга олиб чиқиладиган масалаларнинг кўлами, доираси ҳам кенг ва хилма-хил бўлиб, бир-биридан фарқ қилади. Масалан, Италияда референдумга олиб чиқиладиган масалалар мамлакат конституциясида белгилаб қўйилган. Италияда, ҳатто минтақалар (вилоятлар)ни бир-бирига қўшиш, янгиларини ташкил этиш, минтақалар (вилоят)лар таркибидаги ҳудудий бирликларни бошқасига ўтказиш, конституцияга ўзгартириш киритиш каби масалалар ҳам референдум воситасида ҳал қилинади.

Мамлакатимизнинг сўнгги ўн йиллик даврида икки маротаба умумхалқ референдуми (1991 ва 1995 йил) ўтказилди.

Мамлакатимизда 2002 йил 27 январь куни ўтказиладиган референдумнинг моҳиятини тушуниш учун, аввало, бир неча саволларни ўртага қўйиб, уларга жавоб бериш зарур бўлади.

Референдум ўтказишдан кўзланган асосий мақсад нима?

Ўтказилаётган референдумнинг асосий мақсади — давлат сиёсий ҳокимияти ва давлат бошқаруви тизимини мамлакатимизнинг ҳозирги кундаги ҳолати ва келажак истиқболлари, жаҳонда вужудга келаётган сиёсий ва иқтисодий тартиботларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштиришдан иборат.

Хўш, бу масалалар моҳиятида нима ётади?

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ривожланиб, демократик тамойилларни ҳаётга изчил жорий этиб бормоқда. Демократия ҳам, унинг жамиятга кириб бориш йўллари ва миқёси ҳам такомиллашиб, янги даражалар касб этиб бораверади. Мазкур референдумни ўтказиш ҳам жамиятимизнинг ана шундай тадрижий тараққиёти меваси сифатида баҳоланиши лозим.

Референдум замирида қандай ижтимоий зарурат мавжуд?

Икки палатали парламент тизими — вакиллик органи, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг мукаммалроқ тури ҳисобланади. Икки палатали парламент фаолияти бир палатали парламент фаолиятига нисбатан мутлақо бошқа ташкилий-тузилмавий асосга, яъни профессионализм замирида қурилмоғи лозим. Профессионал парламентда депутатлар асосий ишдан ажралган ҳолда, яъни доимий равишда ишлайдилар. Яъни, депутатлар ўз ваколатлари даврида депутатлик фаолиятидан бошқа касб билан шуғулланмайдилар. Улар учун депутатликнинг ўзи давлат хизмати ҳисобланади.

Парламентнинг мавқеи ва ўрни давр ўтгани сайин изчил ўзгариб, янги ғоялар, тамойиллар ва тажрибалар билан бойиб боради. Бу хусусият нималарда кўринади?

Истиқлолнинг ўтган йиллари мобайнида бизда жуда катта парламент тажрибаси тўпланди. Агар шу тажрибалар таҳлил этилиб, босиб ўтилган йўл сарҳисоб қилинса, янги шароитда янгича парламент тизими жорий этиш эҳтиёжи борлиги маълум бўлади. Бу, биринчи навбатда, демократик жараён ривожланиб боргани сайин ижтимоий фикрда тобора уюшқоқлик кучайиб боришида кўринади.

Хўш, бизда нега айнан ҳозирги кунларга келиб икки палатали парламентга ўтиш лозим деб топилмоқда? У қандай шакл ва тартибда бўлади? Айни пайтда кўпчилигимиз ана шундай саволларга ўзимизча жавоб излаётганимиз шубҳасиз.

Маълумки, мамлакат тараққиётини таъминлашнинг машҳур беш тамойилидан бири, барча соҳадаги ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишдан иборат.

Бизда парламентни ислоҳ этишда ҳам ана шундай тамойилга амал қилинмоқда. Мустақиллигимизнинг илк даври, мавжуд вазият, шароит ва ҳолат, айтиш жоизки, бир палатали парламентни тақозо қиларди. Биринчидан, ҳали янги жамиятнинг ҳуқуқий асосларини яратиш жабҳасида профессионал билимлар орттирган кадрлар, яъни юристлар, иқтисодчилар ва сиёсатчилар етарли эмас эди. Қолаверса, сайловчиларимизнинг ҳам савиясини ҳали бу жараёнга тайёр, деб бўлмасди. Уларнинг сиёсий маданиятини ошириш муайян даврни ва вақтни талаб қиларди. Устига устак, ижтимоий-сиёсий институтлар ҳам ҳали етарли тажрибага эришмаган, аксинча, улар фаолиятини ривожлантириш зарур эди.

Ўтган давр ичида жамиятимиздаги ана шу бўшлиқ муайян даражада тўлдирилди ва бугунги кунда икки палатали парламентга ўтиш учун реал шарт-шароит пишиб етилди.

Қолаверса, жаҳон амалиётида ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Айни пайтда йирик ривожланган ҳамда демократик мамлакатларнинг аксариятида икки палатали парламент амал қилмоқда. Маълумотларга қараганда, сўнгги ўн йилда икки палатали парламентлар сони 45 тадан 70 тага кўпайган. Жаҳон сиёсатшунослари, айни пайтда икки палатали парламентнинг афзаллик жиҳатларини тан олмоқдалар. Биринчидан, юқори палата қуйи палата яратган қонунларни, қабул қилган қарорлардаги камчилик ва етишмовчиликларни тўлдиради, уларни янада мукаммаллашуви ва такомиллашувини таъминлайди. Минтақалар, яъни вилоятлар манфаатларини ҳимоя қилади. Иккинчидан, қуйи палата билан ижроия ҳокимияти ўртасидаги келишмовчиликларнинг олдини олади, ижроия ва қонун чиқарувчи ҳокимиятларнинг ваколатлари аралашиб кетишига йўл қўймайди.

Референдум учун қўйилган иккинчи саволда: "Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартиришга розимисиз?" деб ёзилган.

Маълумки, кўплаб ривожланган мамлакатларда Президентлик ваколати муддати беш йилдан кўп қилиб белгиланган. Масалан, Австрия, Финляндия, Миср, Мексика ва Ливанда Президент олти йил муддатга, Исроил, Ирландия, Италия, Туркия, Сурия ва Яман Араб Республикасида етти йилга сайланади. Бизга қўшни бўлган Қозоғистон ва Тожикистонда ҳам Президентнинг ваколат муддати етти йил қилиб белгиланган.

Президентлик ваколатининг беш йилдан етти йилга ўзгартирилиши Президентнинг мувофиқлаштирувчилик ролини янада юқори даражага кўтаради. У давлат бошлиғи сифатида ҳокимият барча тармоқларининг ҳамкорликда ишлашини таъминлайди, турли тармоқлар ўртасида рўй берадиган келишмовчиликларни бартараф этади, ўз олдига қўйган энг юксак мақсад ва вазифаларни тўлалигича бажариш имкониятига эга бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Президентнинг ваколат муддатини ўзгартириш алоҳида шахсни эмас, балки жаҳон амалиёти, мамлакатимиздаги мавжуд ижтимоий ҳолатни, реал воқеликни инобатга олиб амалга ошириладиган муҳим тадбирдир. Қолаверса, бу мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий соҳадаги ислоҳотларнинг янги босқичига қадам қўйилаётганининг ёрқин далилидир.

Таълим тизимида янги фан

Миллий истиқлол ғояси халқимизни озод ва фаровон ҳаёт, келажаги буюк давлат барпо этишдек улкан мақсад ва эзгу интилишлар йўлида бирлаштирувчи, юксак марраларга чорловчи маёқдир.

Шу боис мамлакатимиз Президентининг бундан бир йил муқаддам — 2001 йил 18 январда эълон қилинган "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида"ги Фармойиши мазкур соҳадаги барча йўналишларда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

ЎзА мухбирига маълум қилишларича, Халқ таълими тизимида бу ҳаётбахш ғояни ўқувчи-ёшлар онгига янада кенгроқ сингдириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросини таъминлашга йўналтирилган ўқув, илмий-услубий ва тарбиявий ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга катта эътибор берилмоқда. "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанини таълим тизимига жорий этиш мақсадида 1-4-синфлар учун "Одобнома", 5-6-синфлар учун "Ватан туйғуси" ўқув фанлари мазмуни миллий истиқлол ғояси тушунчалари билан бойитилди. 7-9-синфлар учун "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фани ўқув режасига киритилди.

Шунингдек, ушбу фан академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига мўлжалланган ўқув қўлланмаси ва дастуридан фойдаланган ҳолда 10-11-синфларда ҳам ўқитила бошланди. Барча таълим турлари ва босқичларида мазкур фанни ўқитиш жараёни илмий-услубий жиҳатларини ўрганиш мақсадида республика миқёсида тажриба-синов майдончалари ташкил этилди. "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фанидан яратилган давлат таълим стандарти чоп этилиб жойларга етказилди.

Янги фандан дарс берувчи ўқитувчиларни қайта тайёрлашга, малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқув дастурлари ва қўлланмалар яратиш юзасидан ҳам талайгина ишлар амалга оширилаяпти.

Шуниси эътиборлики, мазкур Фармойишнинг бажарилиши юзасидан вазирлик махсус мониторингни йўлга қўйган. Миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига кенг сингдиришда "Иқтидорли болалар анжумани", "Китобсеварлар", "Сиз тарихни биласизми?", "Президент асарлари билимдони" каби кўрик-танловлар яхши самара бермоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Японялик вакиллар — Хоразмда

Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Япония Бош вазирининг махсус вакили, мазкур мамлакат ҳукуматининг собиқ раҳбари Йоширо Мори Хоразм вилоятига ташриф буюрди.

Японялик юқори мартабали меҳмон ва унга ҳамроҳлик қилаётган шахслар қадимий Хивада бўлиб, "Ичонқалъа" тарихий-меъморий музей-қўриқхонаси ёдгорликлари билан танишди.

— Мамлакатингизнинг бой тарихидан баҳраманд бўлиб, мен халқларимиз маданияти, турмуш тарзида кўплаб ўхшаш томонлар борлигига қайта-қайта амин бўлмоқдаман, — деди жаноб Мори. — Япония иқтисодий ривожланган давлат ҳисобланади ва мен Ўзбекистон билан яқин ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётганимдан хурсандман.

Т.ШАМАКОВ,
ЎзА мухбири.

Фахрийларга туҳфа

Қува туманида Мусажон Шербўтаев номидаги "Меҳр-мурувват" маркази иш бошлади.

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан фахрийларга туҳфа қилинган муҳташам марказда нуронийларнинг кўнгилли дам олишлари, ўз саломатликларини тиклаб, кўнгилли хордиқ чиқаришлари, бир пиёла чой устида дилдан суҳбат қуришлари учун барча шароит муҳайё қилинган.

Марказ имкониятларидан эндиликда туманда истиқомат қилаётган 14 мингта яқин меҳнат фахрийси ва 300 га яқин уруш қатнашчиси баҳраманд бўлишади.

Р.КАМОЛОВ,
ЎзА мухбири.

Ташаббуснинг қаноти бор

ҚАҲРАМОН сиймосини яратамиз

Бугун мустақил мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Ватандошларимиз ҳамма соҳаларда мисли кўрилмаган ютуқларни қўлга киритишмоқда. Айниқса, ёшларимиз жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида таҳсил олиб, ўз ақл-идроки, кашфиётлари билан дунё тан олган олимларни ҳам ҳайратлантирмоқда. Яқин ўтмишда тушимизга ҳам кирмаган замонавий технологиялар ва дастгоҳларни эпчиллик билан бошқариб, Устюртда ер бурғуламоқда, Мурунтовда олтин қазимоқда, Қизилқум ва Мирзағулистонда чўлқуварлик қилмоқда. Буларнинг барчаси бошқа қитъа ёки ўзга сайёрада эмас, айнан бизнинг кўз ўнгимизда, ёнатрофимизда содир бўлмоқда. Улар бугуннинг қаҳрамонлари, Истиқлол кучқудрат ато этган фидойи замондошларимиздир.

Мамлакатимиз раҳбари биз, ижодкорларни ана шу замонамиз қаҳрамонларининг бадиий сиймосини яратишга, уларнинг мардона ва заковатли чеҳраларини ёрқин бўёқларда акс эттиришга даъват этмоқда. Афсуски, биз олдимизга қўйилган вазифаларни ҳали тўлақонли равишда адо эта олаяпмиз, деб мақтаномаймиз. Замонамиз қаҳрамонлари сиймосини яратишда матбуот ва унинг публицистика жанрининг имкониятлари ниҳоятда каттадир. Севимли шоиримиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов матбуотдаги чиқишларидан бирида «Публицистикани мен сергаплик эмас, камгаплик деб, жанжадаллар, ерга уришлару кўкка кўтаришлар қуроли эмас, чинакам бадиий тафаккурнинг энг долзарб тури, замондошларга қаратилган дил сўзлари, бадиий тафаккур йўсини деб биламан. Бадиий публицистикамиз елдек келиб, селдек кетувчи ўткинчи нарса эмас, ҳар биримиз учун мусаффо ҳавою, зилол сувдай ҳаётбахш бўлсин», деган эдилар.

Куни кеча Ёзувчилар уюшмасида ўтказилган ижодкорлар анжуманида бу фикрлар ботбот такрорланди.

Уюшма бошқаруви раиси Абдулла Орипов «Халқ сўзи» газетаси «Замонамиз қаҳрамонлари» мавзусини кенг қўламда газетада ёритиш бўйича ташаббус билан чиққанлигини айтиб, ёзувчи ва шоирларни вилоятларга айнан шу мақсадда, яъни мамлакатимизнинг олис қишлоқ ва овулларига яратувчилик, истиқлолимиз пойдеворини барпо этиш йўлида ўз Ватани ва халқига фидойилик билан хизмат қилаётган замондошларимиз қиёфасини бадиий сўз воситасида ифода этиш учун ижодий сафарга чорлади. Бу чорлов ёзувчилар томонидан жуда яхши қабул қилинди. Ва ҳатто эшитгани ҳамоно оқсоқол адибимиз Ҳамид Ғулом бу ташаббусни қўллаб-қувватлаб, Фарғонага ижодий сафарга боражагини билдирди.

Аслида бу ташаббус ўз-ўзидан туғилган эмас. Энг аввало, Президентимиз Ислом Каримовнинг замонамиз қаҳрамонлари образини яратиш ҳақида ижодкорлар олдига қўйган долзарб вазифалардан келиб чиққан масала эканлигини, айтишимиз жоиз. Шу туфайли уюшма раҳбари ёзувчиларга бу ўта жиддий масала эканлиги, уни адо этишда нафақат маҳорат, сиёсий зукколик масъулияти ҳам зарурлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, ёзувчилар сардори парламент газетаси — «Халқ сўзи» йўлланмаси билан» рукни остида йил давомида чоп этилган сафар очеркларини китоб ҳолида нашр эттириш нияти борлигини, газета ёзувчиларнинг сафар харажатларини ўз зиммасига олиб, уюшма ҳисобига қарийб бир миллион сўм маблағ ўтказганини ҳам айтиб ўтди.

Хуллас, «Халқ сўзи» газетаси ва Ёзувчилар уюшмаси жамоалари ҳамкорлигида хайрли ишга қўл урилди. Энг муҳими, бу хайрли ишни адо этиш учун мамлакат ёзувчилари — шоиру носирлари оёққа қалқди. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, журналист ва ёзувчи бир мақсадда елкадош бўлди. Бу ҳамкорлик эзгу мевалар бериши шубҳасиз.

Э. БОЛИЕВ.

Тайёргарлик қизғин

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча вилоятларида, туман ва шаҳарларида 27 январь куни ўтказиладиган референдумга қизғин тайёргарлик кўрилаяпти. Жумладан, Тошкент шаҳрида ҳам аҳолига бу муҳим сиёсий тадбирнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш борасида талай ишлар қилинмоқда. Жойларда жамоатчилик ташаббускор гуруҳлари ташкил этилган. Бу гуруҳлар таркибига зиёлилар, малакали ҳуқуқшунослар, жамоат ташкилотлари вакиллари жалб қилинган. Улар маҳаллалар, корхоналар, ўқув юртларида бўлиб, референдумга оид тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Ана шундай учрашувлардан бири Миробод туманидаги 162-референдум участкасида бўлиб ўтди. Тадбирда ушбу участкага дахлдор маҳалла аҳли, жумладан, бундай тадбирга илк бор қатнашадиган ёшларга референдум, унинг аҳамияти, ўтказилиш тартиби ҳақида тушунтиришлар берилди.

Шу кунгача бундай учрашувлар Тошкентдаги кўплаб маҳаллаларда ўтказилди. Бу тадбирларда участка комиссиялари ва ташаббускор гуруҳлар аъзолари томонидан референдумда овоз берувчиларни қизиқтирган саволларга тўлақонли жавоблар берилмоқда. Учрашувлар самимий ва кўтаринки руҳда ўтмоқда.

(ЎзА).

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИКЛАР

Республикамизда



Мозийдан сўзлайди кўҳна минорлар

● Кеча замонавий санъат маркази кўргазмалар залида сураткашларнинг янги йил кўргазмаси очилди. Унда Т. Қўзиев, У. Аҳмедова, А. Шепелин, С. Карандаев, В. Ан сингари йигирмага яқин фоторассомларнинг юздан зиёд асарлари ўрин олган.

● Самарқанддаги Акмал Икромов номидаги Ўзбекистон маданияти тарихи музейи республикамиздаги ноёб маънавият ўчоқларидан ҳисобланади. Музей нафақат талабаю ўқувчиларнинг, балки сайёҳларнинг ҳам севимли масканидир. Амир Темур даврига оид ёдгорликлар, мозийдан сўзловчи 200 дан зиёд экспонатлар ҳар қандай томошабинни эътиборсиз қолдирмайди. Янги йилдан бошлаб янги анъана қарор топди. Вилоятдаги олий ўқув юртлари талабалари ва мактаблар ўқувчилари ҳар ойда бир марта бу ерда тарих дарсидан сабоқ оладилар. Музей экспонатлари эса кўргазмали восита вазифасини ўтайди.

● «Ўзимизнинг маҳсулот», дея фахрланиш қандай мароқли. «Нақшбандий» ҳиссадорлик жамиятига қарашли Ғиждувондаги пойабзал ишлаб чиқариш корхонаси ишчи-хизматчиларининг фахрланишлари ҳам шундан. Ўтган йили қарийб 81 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган корхонада 82 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади.

Яқин орада бу ерда яна иккита цех очиш кўзда тутилган. Бу режа амалга ошса, яна 30 та янги ишчи ўрни яратилади.

● Булоқбоши туманидаги «Даврон» агрофирмасининг номи андижонликларга яхши таниш. Негаки, «Даврон»да 5 гектарлик иссиқхона бор. Йил бўйи ёз фасли ҳукмрон бўлган ушбу иссиқхонада етиштирилаётган сабзавоту қўкатлар андижонликлар дастурхонига қут-барака киритмоқда.

Айни пайтда «Даврон» иссиқхоналарида саховатли ёз ҳукм сураётир.

● Кеча «Экосан» халқаро жамғармасида ўтказилган машварат «Томчи сувда ҳаёт жилваси» деб номланган кўрик-танловнинг тақдимотига бағишланди. Унга кўра, республика миқёсида ўтказилажак ушбу танловда мактаб ўқувчилари, ёшлар иштирок этиши кўзда тутилган. Кўрик-танловдан мақсад, табиатнинг олий инъоми — сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, уни исроф қилмасликни тарғиб қилишдир. Республикамиз вилоятларидаги 1000 та мактаб ўқувчилари умумжаҳон Сув кунига бағишлаб ўтказилаётган ушбу танловда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

«Халқ сўзи» ● «Туркистон-пресс» ● Интернет ●

Чет элларда

● Италия ҳарбийларининг биринчи гуруҳи Афғонистондаги тинчликпарвар кучлар операциясида қатнашиш учун Баграмдаги авиабазага етиб келди. Италия Мудофаа вазирлиги расмийларининг маълумотига кўра, ҳозирда Афғонистонда уларнинг 11 нафар офицери бор, яна 10 нафари яқин кунларда келиши кутилмоқда. БМТнинг тинчликпарварлик миссиясида жами 300 нафардан ортиқ Италия ҳарбийлари иштирок этишади.

● БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши сешанба куни Афғонистонга тижорат йўналиши бўйича қилинадиган парвозларга рухсат берди. Афғонистонга халқаро рейслар бўйича самолётлар учиши БМТнинг ХК томонидан 1999 йилнинг ноябрида маън этилган, 2000 йилнинг декабрида эса қўшимча санкциялар қабул қилинган эди. Бу Афғонистоннинг Ariana авиакомпанияси фаолиятининг тўхтатишига сабаб бўлганди.

● Фаластин раҳбари Ёсир Арофат АҚШ, Россия ва Европа Иттифоқи вакилларини Исроил томонидан қўлга олинган қурол-яроғ ортилган кема можаросини текширишда қатнашишга чақирди. Буни у Бирлашган Араб Амирликларида чоп этиладиган «Ал-Холиж» газетасига берган интервьюсида маълум қилди. Бу воқеа Исроил томонидан уюштирилганлигини таъкидлаб: Исроил кемалари қирғоқ ҳудудларини бутунлай назорат қилишади. Бизнинг бу ерда портимиз йўқ, шундай экан, 50 тонна қурол-яроғ ортилган кема қандай қилиб Ғазо қирғоқларигача келиши мумкин. Дунё мамлакатларини бу ҳақда ўйлаб кўришга таклиф этаман, деди у.

● Европа Иттифоқи парламентининг сешанба кунги сессиясида ирландиялик Пат Кокс унга раис этиб сайланди. У франциялик Николь Фонтэн хоним ўрнини эгаллайди.

● Индонезиянинг Суматра оролидаги тошқин натижасида 13 киши қурбон бўлган, беш киши бедарак йўқолган. Шимолий Суматра ҳудуди раҳбариятининг хабар беришича, табиий офат бир неча кундан буён давом этаётган жала оқибатида содир бўлган. Ҳозир бедарак йўқолганларни қидириш ишлари давом этмоқда.

● Сешанбадан чоршанбага ўтар кечаси Японияда зилзила содир бўлди. Рихтер шкаласи бўйича кучи 4,5 баллга тенг бўлган ер қимирлаши мамлакат шарқидаги Чиба ҳудудида юз берган. Вайронагарчилик ва қурбонлар ҳақида ҳозирча хабарлар йўқ.

Берлин кўчаларида

Сенинг имкониятларинг бу, Ўзбекистон!

Ҳар бир суверен мамлакат кўп укладли иқтисодиётга эга бўлган тақдирдагина жадал ривожланади. Ривожланиш бор жойда эса ўша давлатнинг қудрати янада ошиб, халқининг ҳаёти ҳам тобора фаровонлашиб бораверади. Биз шуни орзу қилган эдик, шукурким, бугунги кунда бунга эришдик. Бироқ ана шу кўп укладли иқтисодиётнинг шундай йўналишлари борки, уларнинг тараққиётини янада тезлаштириш учун машинасозлик саноати тизимини ҳам янги босқичга кўтаришни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Масалан, пахтачиликни олиб кўрайлик. Ҳар йили миллионлаб тонна «оқ олтин» етиштирамиз. Уни дастлабки қайта ишлаш учун, албатта, махсус агрегатлар керак. Ушбу агрегатлар қаерда ясалади? «Ўзбекпахтамаш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида. Машинасозлик саноатининг яна бир корхонаси — «Ўзбектўқимачимаш» бирлашмасида ишлаб чиқарилган дастгоҳлар ёрдамида эса пахта толасидан калава ип ва газламалар тайёрланишини яхши биласиз. Бундан ташқари, экскаваторлар, кўтарма кранлар, юк кўтаргичлар, компрессорлар, пахтани қайта ишлаш агрегатлари ва тўқимачилик дастгоҳларининг эҳтиёт қисмлари, металлга ишлов бериш ускуналари, асбобсозлик технологиялари, автоматика воситалари, музлатгичлар, ҳатто турли-туман халқ истеъмоли моллари ҳам айни шу соҳага қарашли корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг маҳсулотлари ҳисобланади.

Буларнинг бари иқтисодиётимиз ривожида машинасозлик саноатининг алоҳида ўрни борлигидан далолат беради. Бугунги ҳикоямиз шу хусусдадир.

Биз учун муҳим вазифа республиканинг ўзидагина эмас, балки, энг аввало, жаҳон бозорида харидоргир бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлашдан иборатдир.

Ислом КАРИМОВ

«ЎЗМАШСАНОАТ»:

КЕЧА,

Таркибий қайта қуриш – даврнинг талаби

1993 йилнинг сентябрь ойида Олий Кенгашнинг XIII сессияси бўлди. Унда «Иқтисодий дастуримизнинг стратегик вазифаси — иқтисодиётимизни таркибий қайта қуришдир» деган ғоят долзарб масала кун тартибига қўйилди. Нега?

Келинг, бу саволга жавоб беришдан аввал биргина республикамиз машинасозлик саноати босиб ўтган йўлга назар ташлайлик. Илгари ушбу соҳада икки концерн — Ўзбекистон давлат машинасозлик концерни («Ўздавконцерн») ва Ўзбекистон пахтани қайта ишлаш саноатини илмий-техникавий таъминлаш давлат концерни фаолият юритарди. Уларнинг таркибига кирувчи бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар рўйхати узундан-узоқ бўлса-да, улар республикамиз эҳтиёжининг атиги 2-3 фоизини таъминлар эди. Қолганини давлат етказиб берарди. Бундай боқимандалик эса бозор иқтисодиёти қоидаларига зид эди. Нима қилиш керак?

«Аввалги давлат таъминоти деган гап энди йўқ, — деб таъкидлади Президентимиз 1994 йил 25 март куни Вазирлар Маҳкамасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, марказий муассасалар раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган Кенгашда. — **Ҳар бир корхона ўз хўжалик алоқаларини боғлаши, валюта ишлаб топиши, халқаро корпорацияларга кириши, ана шу йўл билан қайта жиҳозланиши — дунё бозорига чиқиши керак!»**

Шу мақсадда ҳукуматнинг тегишли қарорига мувофиқ, ўша йили юқорида номлари тилга олинган концернлар тугатилиб, Ўзбекистон машинасозлик корхоналари уюшмаси — «Ўзмашсаноат» ташкил этилди. Уюшма таъсисчиларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ҳамда давлат, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларида уларнинг қонуний манфаатларини ифодалаш, бозор конъюктураси ва маҳсулот маркетингидан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқаришни ривожлантириш стратегиясини белгилаш, уюшма аъзолари — мулкчиликнинг барча шаклларидаги бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш, уларнинг молиявий-иқтисодий аҳволини мустаҳкамлаш, уюшма доирасида рақобатбардошли маҳсулотларни яратиш ва ишлаб чиқаришни таъминлайдиган ягона илмий-техника ва инвестиция сиёсатини ўтказиш, мавжуд асосий фондлардан самарали фойдаланиш унинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Аслида янги уюшманинг тузилиши тармоқни таркибий қайта қуриш йўлидаги биринчи босқич эди. Бу жараённинг иккинчи босқичи 1996 йилнинг январь ойида якунланди: қишлоқ хўжалигини ривожлантириш устувор йўналиш эканлиги, тармоқда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш зарурлиги ҳисобга олиниб, «Ўзмашсаноат» уюшмаси тасарруфидаги 15 корхона негизида «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси ташкил этилди. Орадан икки йил ўтгач эса, «Ўзбекнефтгаз-холдинг» компаниясининг машинасозлик базасини мустаҳкамлаш учун «Ўзмашсаноат» таркибидаги «Ўзбеккимёмаш» очиқ турдаги акциядорлик жамияти ҳам «Ўзнефтгазмаш» корпорациясига айлантирилди. Бу учинчи босқич эди.

Шундай қилиб, уюшма тўрт йил мобайнида республикамиз машинасозлик саноатини таркибий қайта қуриш борасида ўзига хос асос вазифасини ўтади. Ҳозирги кунда эса у 35 та бирлашма, корхона ва ташкилотни бирлаштириб турибди. «Тошкент экскаватор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Андижонирмаш» заводи, Тошкентдаги «Подъемник» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Компрессор» заводи, «Тошавтоматика» акционерлик корхонаси, Самарқанддаги «Сино» музлатгичлар заводи, «Кинап» ишлаб чиқариш бирлашмаси, пойтахтдаги «Зенит» фирмасининг техник-савдо маркази, Тошкент асбобсозлик, агрегат ва абразив заводлари, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбектўқимачимаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекпахтамаш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Восток» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Наманган машинасозлик заводи, Бухоро ихтисослаштирилган тажриба заводи ва Андижондаги «Топаз» қўшма корхонаси шулар сирасига киради. Бу хўжалик юритувчи субъектларни, таъбир жоиз бўлса, уюшманинг муҳим таянчлари, дейиш мумкин.

Уюшманинг ишонган тоғлари

«ПОДЪЕМНИК». Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган мазкур ишлаб чиқариш бирлашмасини ҳозир нафақат республикамизда, балки узоқ хорижий давлатларда ҳам яхши билишади. Негаки, бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг барча қийинчиликларига қарамасдан, кўп миллатли меҳнат аҳли бир неча турдаги ўта замонавий, яъни бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган осма ва кўтарма кранлар ишлаб чиқармоқда. Улар ҳатто чет эл фирма ва компанияларига ҳам маъқул келмоқда. Шу боис, бирлашма мутахассисларининг таъкидлашича, бундай транспорт кранлари Россия, Ҳиндистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинаётир. 1993 йили Швейцарияда ўтказилган Саноатчилар форумида «Подъемник» маҳсулотлари «Халқаро олмос юлдузи» мукофотига лойиқ, деб топилгани фикримизнинг тасдиғидир.

Шу билан бирга, бирлашмада талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ҳам эътибор қаратилмоқда. Спорт майдончалари учун жиҳозлар, томорқа ускуналари, ўтга чидамли сейфлар, металл гаражлар, уй-рўзғор буюмлари, пластмасса идишлар ва бошқа ўнлаб маҳсулотлар, айниқса, аҳоли ва ташкилотлар томонидан бажонидил харид қилинаяпти.

Натижада самара ҳам кўзга яққол ташланмоқда. Жумладан, корхонада ўтган йил учун белгиланган режалар ошириб бажарилиб, ишлаб чиқариш ҳажмининг сезиларли даражада ўсишига эришилди. Бошқача айтганда, буюртмачиларга 590 миллион сўмликдан зиёд тайёр маҳсулотлар етказиб берилди. Жорий йилда эса бундан-да юқори кўрсаткичларни қўлга киритиш кутилаяпти. 2002 йилга мўлжалланган «буюртма портфели» аллақачон расмийлаштириб қўйилган.

— Айни кунларда биз янги турдаги маҳсулотларнинг конструкцияларини ишлаб чиқиш билан машғулмиз, — дейди бирлашманинг бош муҳандиси Виктор Дьяченко. — Бу маҳсулотлар асосан маҳаллий хомашёдан тайёрланади. Замонавий ишланмалар ва технологияларнинг жорий этилиши эса ўз навбатида уларни қисқа муддатда, сифатли ва кўплаб миқдорда ишлаб чиқариш имконини беради. Агар «буюртма портфели»нинг эгалари орасида хорижликлар ҳам кўплигини ҳисобга олсак, бу биз учун айни муддаодир.

Бирлашмада кўп миллатли жамоа меҳнат қилади, дедик. Эътиборлиси, маъмурият ҳамиша уларнинг унумли ишлашлари, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун қулай шароитларни яратиш, ижтимоий ҳимоялаш ва рағбатлантириш пайидан бўлмоқда. Айниқса, ёшлар, ўз келажагини завод ҳаёти билан боғлаган мутахассислар ғамхўрлик билан қуршаб олинган. Ўтган 6 йил мобайнида улардан 300 нафардан кўпроғи барча шароитларга эга шинам уй-жойлар билан таъминланди. Бундан ташқари, кичик оилали ишчилар ётоқхонада яшамоқдалар. Бу ерда эса спорт зали, душхона, кутубхона, дам олиш ва ўқув хоналари мавжуд.

БУГУН,

Буларнинг ҳаммаси корхонада янги-янги ютуқларга эришишда муҳим омил бўлмоқда.

«ТОПАЗ» — Андижон вилояти Жалолқудуқ туманидаги 27-давлат подшипник заводи негизида ташкил этилган Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси. У миллий машинасозлик саноатини ривожлантиришда хорижий сармояларни жалб этишнинг нақадар катта аҳамиятга эканлигини исботловчи далилдир. Ўзбекистон ва Россия мутахассислари ҳамкорлигининг самараси шу бўлдики, бу ерда қисқа муддат ичида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қарийб беш баравар ошди. Турли диаметрларда тайёрланаётган подшипникларга эса асосан «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси харидор бўлмоқда. Бу, биринчидан, кўплаб миқдордаги валютани тежаш имконини бераётган бўлса, иккинчидан, «Топаз»га ҳам катта даромад келтирмоқда.

Қўшма корхонанинг ижрочи директори Собиржон Мусаевнинг айтишича, янги йилдан бошлаб конвейердан 20 турдаги подшипниклар тушади.

Демак, қўшимча равишда кўплаб иш ўринлари ҳам очилади.

«СИНО» — мамлакатимизда маиший музлатгичлар ишлаб чиқарувчи ягона корхона. У бундан салкам 30 йил олдин ишга туширилган бўлиб, ўша пайтда завод йилига 250 мингта холодильник тайёрлаш қувватига эга эди. Афсуски, иқтисодий алоқаларнинг узилиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бутунлай камайиб кетди, ҳатто эски моделдаги музлаттичга талаб ҳам бўлмади. Бироқ ҳукумат томонидан корхонанинг қўллаб-қувватланиши, қолаверса, меҳнат жамоасининг изланишлари туфайли янги русумдаги — замонавий талабларга жавоб берувчи янги холодильниклар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Унинг афзаллиги шундаки, тайёрлаш жараёнида ишлатилган хомашё 20 фоиз иқтисод қилинган, турдошига нисбатан 13-15 килограмм енгил, устига устак, электр қувватини 15 фоиз тежаб қолади. Ташқи кўриниши, яъни дизайни жиҳатидан эса Европа ва Осиёда ишлаб чиқарилаётган музлатгичлардан асло қолишмайди.

ЭРТАГА

Бунга қандай қилиб эришилди? Халқаро экология фонди экспертлари икки йил мобайнида «Сино» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти фаолиятини чуқур таҳлил этгач, бу ерда БМТнинг «Ер шарида озон қатламини сақлаш миллий дастури» доирасида иш олиб борилаётганига ишонч ҳосил қилдилар. Шундан кейин фонд томонидан корхонага янги ускуналар келтириш бўйича тендер уюштирилди. Тендерда эса Италиянинг машҳур «Каннон» фирмаси ғолиб тубдан ўзгартирди. Айни пайтда очиқ акциядорлик жамиятида рақобатбардошли тиркама компрессорлар ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, стационар компрессор ускуналари, тракторлар ва автомобилларнинг мосламаларини фильтрловчи вакуумли насослар тайёрлаш ҳам ўзлаштирилдики, уларнинг асосий қисми экспорт қилинмоқда.

Ислоҳот – онгдаги ўзгариш, демакдир

Ана шу мисолларнинг ўзиёқ тармоқда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, корхоналарни эркинлаштириш ва таркибий ўзгартириш борасида амалга оширилаётган кенг миқёсдаги ишларнинг натижасини муайян даражада англатиб турибди, десак асло муболаға бўлмайди. Аммо фақат шу билан чегаралансак, ўйлаймизки, бутун уюшма доирасида бажарилган юмушлар тўласинча очилмай қолади. Шундан келиб чиқиб, газетхонлар эътиборига яна баъзи бир далилларни ҳавола этишни лозим топдик.

Бизга уюшма томонидан берилган маълумотларга кўра, ўтган йили «Ўзмашсаноат»да асосий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилга таққослаганда 134,2 фоиз, халқ истеъмоли моллари 116, экспорт режаси эса 100 фоиз уддаланиб, жами салкам 36 миллион АҚШ доллари қийматидаги 672 хил маҳсулот хорижга сотилган. Шунингдек, барча корхоналарда 5,27 миллиард сўмлик маҳсулот, шу жумладан, 890 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилибди. Бу рақамлар аҳволни тўла акс эттирадими? Бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз.

Тўғри, уюшмага ўтмишдан умрини яшаб бўлган, кам самара берадиган ускуналар билан жиҳозланган, молиявий аҳволи ўта қашшоқ корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар мерос бўлиб қолган эди. Бу муаммоларни ҳал этиш учун икки йўналишда — «лойиҳавий» маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва маҳаллий хомашё ҳисобига янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўналишларида иш олиб борилди. Айни шу мақсад учун эса 100 миллион АҚШ долларидан зиёд миқдордаги хориж инвестицияси, 1 миллиард сўмдан кўпроқ уюшманинг ўз маблағи, 10 миллиард сўмдан ошиқ бюджет маблағи жалб этилди. Шу билан бирга, 26 та йирик корхона қайтадан ташкил этилиб, уларга асосан очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари мақоми берилди. Бу ҳол пировардида ишчи-хизматчиларда меҳнатга, мулкка муносабатнинг ўзгаришига олиб келди.

Сифатсиз маҳсулот кимга керак?

Айни пайтда тармоқда мавжуд куч ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланилаяпти, деб бўлмайди. Ўзига яраша муаммолар ҳам бор. Уни бартараф этиш йўлида изланишлар олиб бориляпти.

Республика Бош прокуратурасидан олинган маълумотларга қараганда, уюшма идоралари томонидан ўтган йилда маҳсулот етказиб бериш бўйича тузилган 5,8 миллиард сўмлик шартномаларнинг бор-йўғи 50 фоизи бажарилган, холос. Шу давр мобайнида четга 2,1 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилиш ҳам мўлжалланган эди. Бироқ амалда режа атиги 23 фоизгагина уддаланганлиги ачинарли ҳолдир. Уюшманинг «Андижонмаш» ва «Тож-металл» акциядорлик жамиятларида эса дастлаб 230 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилиш белгиланганди. Кейинчалик ушбу кўрсаткич нимагадир 50 минг долларга туширилди. Бу ҳам майли. Аммо «йўқдан кўра бор» қабилида тузилган мазкур шартнома қоғозда қолиб кетаверди.



Хўш, бунинг асосий сабаби нимада? Аввало, жаҳон бозори талабларига мос маҳсулот ишлаб чиқаришда сусткашлик сезилаётир. Биласиз, бугунги рақобатга дош бериш осон эмас. Хорижий харидор эса етти ўлчаб, бир кесади. Қаранг, 2000 йил ва ўтган йилнинг 9 ойи давомида 166,6 миллион сўмлик сифатсиз маҳсулот уюшма омборларида туриб қолган. Энди ўзингиз ўйланг: шунча миқдордаги маҳсулотни ишлаб чиқариш хамирдан қил суғурганчалик осон кечмаган-ку? Ахир, бунинг учун қанча куч, қанча маблағ сарф қилинмаган, дейсиз? Натижа эса...

Энг ачинарлиси, ўтган давр мобайнида уюшма томонидан молиявий назоратнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, жойларда тегишли таҳлил ва текширишларнинг ўтказиб борилмаслиги оқибатида ўзаро ҳисоб-китобларда ўзибўларчиликка йўл қўйилган. Ҳатто уюшманинг жойлардаги мутасаддилари, хусусан, Самарқанд вилоятидаги «Пахтамаш» акциядорлик жамиятидаги мансабдор шахслар ўз ваколатларини суиистеъмол қилишгача ҳам боришган. Бизнингча, бундан даҳшати бўлмаса керак. Гап шундаки, иш ҳақидан 3 миллион сўмдан ошиқ қарздорлик бўла туриб, улар олдиндан тўловлар олмасдан, вилоятдаги қатор корхоналарга катта миқдордаги маҳсулотларни бериб юборишган. Тўловни ундиришга келганда эса, хоҳлаганча муддат берилган.

Дарҳақиқат, бугун — катта синовлар даври. Бу давр имкониятлари, замон машаққатлари ва шиддатлари эртага қайтиб келмайди. Шунинг учун соҳа мутахассислари ўз тафаккур чиғириғидан ана шу ҳақиқатларни ўтказа олмасалар, билингки, ушбу тизимда ривожланиш қийин кечади. Демоқчимизки, тараққиёт, аввало, ҳар қайси соҳа вакилининг ўз тармоғидаги яхши-ёмон томонларини нечоғли англай олишига боғлиқ.

* * *

Сўнгги сўз

«Ўзбекистон иқтисодиётида 2010 йилгача мўлжалланган таркибий ўзгаришлар концепцияси»га мувофиқ «Ўзмашсаноат» уюшмаси томонидан соҳага янада кўпроқ миқдорда чет эл сармоясини ётқизиш, мавжуд корхоналарни замонавий технологиялар асосида жиҳозлаш, экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришнинг устувор йўналишлари бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилиб, улар босқичма-босқич рўёбга чиқарилмоқда.

Шунингдек, тармоқдаги мавжуд муаммоларга ҳам ечим топишга ҳаракат қилинаётир. Улар нималардан иборат? Айрим бирлашма ва корхоналарда, юқорида эслатилганидек, ҳамон сифатсиз, харидорни жалб этмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳоллари кузатилмоқда. Бунга, албатта, чек қўйиш зарур. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг миқдори ҳам ҳалигача камаймаётир. Ундан иложи борича тезроқ қутулиш лозим. Шунда уюшма эмин-эркин ривожланиш йўлига чиқиб олади, унинг жамоаси эса Ватанимиз равнақини таъминлаш, халқимиз турмуши фаровонлигини оширишдек умум ишига янада салмоқлироқ ҳисса қўшиш бахтига нойил бўлади.

Икром ЎТБОСАРОВ,
Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,
Фурқат САНАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг
ҚАРОРИ

“Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2002 йил 1 мартдан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишларини ҳамда бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 6 декабрь.

24

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

ХЎЖАЛИК ШИРКАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

«Халқ сўзи» — «Народное слово»
2002 йил

Кирқиш чизиғи

устав фондидан (устав капиталидан) кам бўлиб қолса, ширкат ўзининг устав фондини (устав капиталини) ўзининг соф активлари қийматидан ошмайдиган миқдоргача камайтирилишини эълон қилиши ва бундай камайтиришни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши шарт.

Агар иккинчи ва ҳар бир кейинги молия йили тугаганидан кейин ширкат соф активларининг қиймати ширкатнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши санасидаги ҳолатига кўра ушбу Қонунда белгиланган устав фондининг (устав капиталининг) минимал миқдоридан кам бўлиб қолса, ширкат тугатилиши керак.

Ширкат соф активларининг қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

Ширкат ўз устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кун ичида ширкатнинг устав фонди (устав капитали) камайтирилгани ва унинг янги миқдори ҳақида ширкатнинг ўзига маълум бўлган барча кредиторларини ёзма равишда хабардор қилиши, шунингдек, қабул қилинган қарор тўғрисида оммавий ахборот воситаларида хабар эълон қилиши шарт. Бунда ширкат кредиторлари ўзларига хабарнома йўлланган санадан эътиборан ўттиз кун ичида ёки қабул қилинган қарор тўғрисида хабар эълон қилинган санадан эътиборан ўттиз кун ичида ширкат тегишли мажбуриятларини муддатидан илгари тугатишини ёки ижро этишини ҳамда ўзлари кўрган зарарнинг ўрнини қоплашни ёзма равишда талаб қилишга ҳақлидирлар.

Ширкатнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш билан боғлиқ таъсис шартномасидаги ўзгартишларни давлат рўйхатидан ўтказиш кредиторлар ушбу моддада белгиланган тартибда хабардор қилинганлиги далиллари тақдим этилган тақдирдагина қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Устав фондини (устав капиталини) камайтириш билан боғлиқ таъсис шартномасидаги ўзгартишлар юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ширкат иштирокчилари ва учинчи шахслар учун кучга киради.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳолларда ширкат устав фондини (устав капиталини) камайтириш ёки ўзининг тугатилиши тўғрисида уч ойлик муддатда қарор қабул

12

Буклаш чизиғи

қилмаса, кредиторлар ширкат мажбуриятларини муддатидан олдин тугатишини ёки ижро этишини ва ўзлари кўрган зарарнинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақлидир. Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган бундай ҳолларда ширкатни тугатиш тўғрисида судга талабнома тақдим этишга ҳақлидир.

15-модда. Иштирокчининг ширкат устав фондидаги (устав капиталидаги) улушининг ўзга шахсга берилиши

Ширкат иштирокчиси қолган иштирокчиларнинг розилиги билан устав фондидаги (устав капиталидаги) ўз улушини ёки унинг бир қисмини ширкатнинг бошқа иштирокчисига ёхуд учинчи шахсга беришга ҳақли.

Улуш (улушнинг бир қисми) бошқа шахсга берилганда улушни (улушнинг бир қисмини) берган иштирокчининг ҳуқуқи тўлалигича ёки ҳуқуқнинг тегишли қисми унга ўтади. Улуш (улушнинг бир қисми) берилган шахс ширкатнинг мажбуриятлари бўйича ушбу Қонун 21-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

16-модда. Ширкат устав фондидаги (устав капиталидаги) улушнинг (улуш бир қисмининг) ширкат томонидан олиниши

Ширкат ўзининг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушни (улушнинг бир қисмини) олишга ҳақли эмас, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ширкатнинг таъсис шартномасида ширкат иштирокчисининг улушидан (улушининг бир қисмидан) учинчи шахслар фойдасига воз кечиш тақиқланган, ширкатнинг бошқа иштирокчилари уни олишдан воз кечган тақдирда, шунингдек, улушдан (улушнинг бир қисмидан) ширкатнинг иштирокчиси ёки учинчи шахс фойдасига воз кечишга розилик берилмаган тақдирда, агар бундай розилик олиш зарурлиги таъсис шартномасида назарда тутилган бўлса, ширкат иштирокчисининг талабига биноан унга қарашли улушни (улушнинг бир қисмини) ширкат олишга мажбурдир. Бунда ширкат ширкатнинг иштирокчисига бу улушнинг (улуш бир қисмининг) ширкат иштирокчисининг шундай талаб билан мурожаат этган кундан олдинги ҳисобот даври учун ширкатнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланадиган ҳақиқий қийматини тўлашга ёки ширкат иштирокчиси-

13

Кирқиш чизиғи

ширкат” деган сўзларни ўз ичига олиши керак.

Агар коммандит ширкатнинг фирма номига ҳисса қўшувчининг номи киритилган бўлса, бундай ҳисса қўшувчи тўлиқ шерикка айланади.

Агар ушбу Қонуннинг коммандит ширкат тўғрисидаги қоидаларида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, коммандит ширкатга нисбатан ушбу Қонуннинг тўлиқ ширкат тўғрисидаги қоидалари қўлланилади.

29-модда. Коммандит ширкатда бошқарув ва унинг ишларини юритиш

Коммандит ширкат фаолиятини бошқариш тўлиқ шериклар томонидан амалга оширилади. Бундай ширкатни унинг тўлиқ шериклари томонидан бошқариш ва унинг ишларини юритиш тартиби улар томонидан ушбу Қонуннинг тўлиқ ширкат тўғрисидаги қоидаларига кўра белгиланади.

Ҳисса қўшувчилар коммандит ширкатни бошқаришда ва унинг ишларини юритишда иштирок этишга ишончномасиз бошқа ҳар қандай тарзда унинг номидан иш кўришга ҳақли эмаслар. Ҳисса қўшувчилар ширкатни бошқариш ва унинг ишларини юритиш бўйича тўлиқ шерикларнинг хатти-ҳаракатлари хусусида баҳслашишга ҳақли эмаслар.

30-модда. Коммандит ширкат ҳисса қўшувчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Коммандит ширкат ҳисса қўшувчиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

таъсис шартномасида назарда тутилган тартибда ширкатнинг фойдасидан устав фондига (устав капиталига) қўшган ҳиссасига мутаносиб қисмини олиш;

ширкатнинг йиллик ҳисоботлари ва балансларини танишиш;

молия йили тугаганидан кейин ширкатдан чиқиш ва таъсис шартномасида назарда тутилган тартибда ўз ҳиссасини олиш;

устав фондидаги (устав капиталидаги) ўз улушини ёки унинг бир қисмини бошқа ҳисса қўшувчига ёки учинчи шахсга бериш. Ҳисса қўшувчилар улушни (унинг бир қисмини) учинчи шахсга таклиф қилинган баҳода сотиб олишда учинчи шахслар олдида имтиёзли ҳуқуқдан фой-

22

Буклаш чизиғи

мумкин.

Хўжалик ширкати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс сифатида тузилган деб ҳисобланади.

Хўжалик ширкати тўлиқ фирма номи давлат тилида ифодаланган ва хўжалик ширкатининг жойлашган манзили кўрсатилган думалоқ муҳрга эга бўлиши керак. Хўжалик ширкатининг муҳрида унинг фирма номи хўжалик ширкатининг ихтиёрига кўра бошқа тилларда ҳам ифодаланиши мумкин.

Хўжалик ширкати ўзининг фирма номи ёзилган штампларига ва бланкаларига, ўз эмблемасига, шунингдек, белгиланган тартибда рўйхатга олинган товар белгисига ва бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлишга ҳақлидир.

4-модда. Хўжалик ширкатининг таъсис шартномаси

Таъсис шартномаси хўжалик ширкатининг таъсис этиш ҳужжати ҳисобланади.

Таъсис шартномасида қуйидаги маълумотлар бўлади:

таъсис этилаётган хўжалик ширкатининг тури, унинг фаолият соҳаси, мақсадлари ва муддатлари;

муассисларнинг (иштирокчиларнинг) таркиби;

таъсис этилаётган хўжалик ширкатининг фирма номи ва почта манзили;

устав фондининг (устав капиталининг) миқдори ва уни ҳосил қилиш тартиби;

хўжалик ширкати ҳар бир иштирокчиси улушининг миқдори ва номинал қиймати;

хўжалик ширкати иштирокчилари ҳиссаларининг таркиби, уларни киритиш муддатлари ва тартиби;

хўжалик ширкатининг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ва камайтириш тартиби;

хўжалик ширкатининг фаолиятини бошқариш тартиби;

фойдани тақсимлаш ва зарарни қоплаш тартиби;

хўжалик ширкатини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шартлар.

Хўжалик ширкатининг таъсис шартномасида, шунингдек, унинг ваколатхоналари ва филиаллари тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак. Хўжалик ширкатининг таъсис шартномасидаги унинг ваколатхоналари ва филиалларига оид маълумотлар ўзгарганлиги ҳақидаги ахборот-

3

Кирқиш чизиғи

талидаги) ширкат иштирокчиларининг улушлари ошиб кетишига олиб келган ўша қўшган пул ҳиссаларини ширкат иштирокчиларига қайтариши шарт.

Ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ширкатнинг таъсис шартномасидаги ўзгартишларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар, шунингдек, ширкат иштирокчилари томонидан қўшимча ҳиссалар ва учинчи шахслар томонидан ҳиссалар тўлиқ миқдорда қўшилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга таъсис шартномасига ўзгартишлар ширкат иштирокчиларининг умумий йиғилишида тасдиқланган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай тақдим этилмоғи лозим. Таъсис шартномасидаги мазкур ўзгартишлар ширкат иштирокчилари ва учинчи шахслар учун ўзгартишлар юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу модданинг бешинчи ва еттинчи қисмларида назарда тутилган муддатларга риоя этилмаган тақдирда ёхуд ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қўшимча ҳиссалар барча иштирокчилар томонидан тўлиқ қўшилмаган ёхуд ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган қўшимча ҳиссалар умумий қийматининг дастлабки белгиланган миқдорини камайтириш тўғрисида бир овоздан қабул қилинадиган қарорга эришилмаган тақдирда, ширкат устав фондининг (устав капиталининг) кўпайтирилиши амалга ошмаган деб эътироф этилади. Бу ҳолда ширкат ўн кунлик муддат ичида ширкат иштирокчиларига улар томонидан киритилган қўшимча пул ҳиссаларини қайтариши шарт.

Қўшимча ҳиссалар (ҳиссаларнинг бир қисми) ушбу модда олтинчи қисмининг учинчи хатбошисида, шунингдек, саккизинчи қисмида кўрсатилган муддатда ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда, ширкат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда фоизлар тўлаши ҳам шарт.

Пулсиз ҳиссалар қўшган ширкат иштирокчиларига ширкат, ушбу модда олтинчи қисмининг учинчи хатбошисида, шунингдек, саккизинчи қисмида кўрсатиб ўтилган ҳолларда, уч ойлик муддатда уларнинг ҳиссаларини қўшилган шаклида ёки уларнинг розилиги билан пул шаклида қайтариши, ҳиссалар кўрсатилган муддатда қайтарилма-

10

Буклаш чизиғи

дидаги (устав капиталидаги) улушига қаратиш

Иштирокчининг ўз қарзлари бўйича ундирувни унинг ширкат устав фондидаги (устав капиталидаги) улушига қаратишга иштирокчининг бошқа мол-мулки қарзларини қоплаш учун етишмаган тақдирда фақат суднинг қарорига асосан йўл қўйилади. Бундай иштирокчининг кредиторлари ширкат мол-мулкининг устав фондидаги (устав капиталидаги) қарздорнинг улушига тўғри келадиган қисмини, ундирувни ана шу мол-мулкка қаратиш мақсадида, ажратишни талаб қилишга ҳақлидирлар. Ширкат мол-мулкнинг ажратилиши лозим бўлган қисми ёки унинг қиймати кредиторлар томонидан ажратиш тўғрисидаги талабнома тақдим этилган пайтдаги ҳолатга кўра тузилган баланс бўйича аниқланади.

Ширкат устав фондидаги (устав капиталидаги) иштирокчининг улушига тўғри келадиган мол-мулкка ундирувни қаратиш унинг ширкатдаги иштирокини тугатади ва ушбу Қонун 21-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган оқибатларни келтириб чиқаради.

18-модда. Ширкатда бошқарув

Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши ширкатнинг олий бошқарув органи ҳисобланади. Ширкат иштирокчилари умумий йиғилишининг ваколатларига қуйидагилар киради:

ширкат фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш;

ширкатни қайта ташкил этиш ва тугатиш;

таъсис шартномасига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;

ширкат фойдасини (зарарларини) унинг иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ширкат устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ва камайтириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

йиллик ҳисоботларни ва йиллик бухгалтерия балансларини тасдиқлаш;

ширкатнинг таъсис шартномасида назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Ширкат фаолиятини бошқариш унинг барча иштирокчиларининг умумий келишувига биноан амалга оширилади. Ширкатнинг таъсис шартномасида қарор иштирокчиларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинадиган ҳоллар назарда тутилиши мумкин.

15

Кирқиш чизиғи

тутилган бўлмаса, бошқа иштирокчиларнинг розилиги билан ширкатга киришга ҳақли.

Ширкатга кирмаган меросхўр (ҳуқуқий ворис) билан ҳисоб-китоблар ушбу модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларига мувофиқ амалга оширилади. Ўзига тегишли мол-мулкни олган, лекин ширкатга кирмаган меросхўр (ҳуқуқий ворис) ширкатнинг мажбуриятлари юзасидан ушбу Қонун 21-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ жавобгар бўлади.

Иштирокчилардан бири ширкатдан чиқиб кетган тақдирда, агар таъсис шартномасида ёки иштирокчиларнинг ўзга келишувида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қолган иштирокчиларнинг ширкат устав фондидаги (устав капиталидаги) улуши тегишинча кўпаяди.

26-модда. Ширкат тафтиш комиссияси (тафтишчиси)

Ширкатнинг молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилиб бориш учун ширкатнинг таъсис шартномасида ширкатнинг тафтиш комиссиясини тузиш (тафтишчини сайлаш) назарда тутилиши мумкин. Тафтиш комиссиясини тузиш тартиби ва унинг (тафтишчининг) ваколати ширкатнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

Ўн беш нафардан ортиқ иштирокчиси бўлган ширкатларда ширкатнинг тафтиш комиссиясини тузиш (тафтишчини сайлаш) шарт. Ширкат иштирокчиси бўлмаган шахс ҳам унинг тафтиш комиссияси аъзоси (тафтишчиси) бўлиши мумкин.

Ширкат тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) вазифаларини, агар бу ширкатнинг таъсис шартномасида назарда тутилган бўлса, ширкат иштирокчиларининг умумий йиғилишида аниқланган, ширкат ва унинг иштирокчилари билан мулкий манфаатлар бўйича боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти амалга ошириши мумкин.

Ширкатнинг ижро этувчи органи таркибига кирувчи шахслар ширкат тафтиш комиссиясининг аъзолари (тафтишчиси) бўлишлари мумкин эмас.

27-модда. Ширкатни қайта ташкил этиш ва тугатиш

Ширкатни қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ширкат қонунларда назарда тутилган асосларга кўра, шунингдек, ширкатда ягона иштирокчи қолган тақдирда тугатилади. Бундай иштирокчи ширкатнинг ягона иштирокчисига айланган пайтдан эътиборан олти ой ичида

20

Буклаш чизиғи

Хўжалик ширкатининг иштирокчилари зиммасида қонун ҳужжатларида ва ширкатнинг таъсис шартномасида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Хўжалик ширкати иштирокчиси ушбу Қонунда ва таъсис шартномасида назарда тутилган ўз мажбуриятларини бажармагани оқибатида ширкатга ёки унинг иштирокчиларига зарар етказган тақдирда бошқа иштирокчилар зарарнинг ўрни қопланишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

II боб. ТЎЛИҚ ШИРКАТ

8-модда. Тўлиқ ширкат тушунчаси

Иштирокчилари (тўлиқ шериклари) ўз ўрталарида тузилган шартномага мувофиқ ширкат номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган ҳамда унинг мажбуриятлари бўйича ўзларига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб берадиган ширкат тўлиқ ширкат деб ҳисобланади.

Шахс фақат битта тўлиқ ширкатнинг иштирокчиси бўлиши мумкин.

Тўлиқ ширкатнинг (бундан буён матнда ширкат деб юритилади) фирма номи ё унинг барча иштирокчилари номини (номланишини), шунингдек, “тўлиқ ширкат” деган сўзларни ёхуд бир ёки бир неча иштирокчининг “ва компания” деган сўзлар қўшилган номини (номланишини), шунингдек, “тўлиқ ширкат” деган сўзларни ўз ичига олиши керак.

9-модда. Ширкатнинг устав фонди (устав капитали)

Ширкатнинг устав фонди (устав капитали) унинг иштирокчилари улушларининг номинал қийматидан таркиб топади.

Ширкат устав фондининг (устав капиталининг) миқдори ширкатни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиш санасидаги ҳолатга кўра қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлмаслиги керак.

Ширкат иштирокчисининг ширкат устав фондидаги (устав капиталидаги) улушининг миқдори фоизларда ёки каср кўринишида белгиланади. Ширкат иштирокчиси улушининг миқдори унинг улушининг номинал қиймати билан ширкат устав фондининг (устав капиталининг) ўзаро нисбатига мувофиқ бўлиши керак.

Ширкат иштирокчиси улушининг ҳақиқий қиймати

5

Кирқиш чизиғи

улушларининг номинал қиймати мутаносиб равишда кўпаяди.

13-модда. Ширкат устав фондини (устав капиталини) унинг иштирокчиларининг қўшимча ҳиссалари ва ширкатга қабул қилинадиган учинчи шахсларнинг ҳиссалари ҳисобига кўпайтириш

Ширкат барча иштирокчилари томонидан қўшимча ҳиссалар қўшиш ҳисобига ширкатнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш иштирокчиларнинг умумий йиғилиши қарорига биноан амалга оширилади, қарорда қўшимча ҳиссаларнинг умумий қиймати, ширкат ҳар бир иштирокчисининг қўшимча ҳиссаси қийматининг миқдори, иштирокчилар томонидан қўшимча ҳиссаларни қўшиш муддати белгиланиши керак.

Ширкат иштирокчиларининг умумий йиғилиши ширкат иштирокчисининг қўшимча ҳисса қўшиш тўғрисидаги аризаси (ширкат иштирокчиларининг аризалари) ва (ёки) агар бу ширкатнинг таъсис шартномасида тақиқланган бўлмаса, учинчи шахснинг (учинчи шахсларнинг) уни (уларни) ширкатга қабул қилиш ва ҳисса қўшиш тўғрисидаги аризаси (аризалари) асосида ширкатнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Ширкат иштирокчисининг аризасида ва учинчи шахснинг аризасида ҳиссанинг миқдори ва таркиби, уни қўшиш тартиби ва муддати, шунингдек, ширкат иштирокчиси ёки учинчи шахс ширкатнинг устав фондида (устав капиталида) эга бўлишни хоҳлаган улуш миқдори кўрсатилган бўлиши керак. Аризада ҳиссаларни қўшиш ва ширкатга аъзо бўлиб киришнинг бошқа шартлари ҳам кўрсатилиши мумкин.

Ширкатнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарор билан бир вақтда унинг таъсис шартномасига ширкат барча ёки айрим иштирокчиларининг (айрим иштирокчининг) қўшимча ҳиссаларини қўшиш ҳисобига ва (ёки) ширкатга учинчи шахснинг (учинчи шахсларнинг) қабул қилиниши, ширкат иштирокчилари улушининг номинал қиймати тегишлича кўпайтирилиши ва (ёки) учинчи шахс (учинчи шахслар) улушининг номинал қиймати ва миқдори аниқланиши муносабати билан ўзгартишлар, зарур ҳолларда, шунингдек, ширкат иштирокчилари улушининг миқдорлари ўзгари-

8

Буклаш чизиғи

тақдирда, хусусан ваколатли шахс (шахслар) ўз ваколатларини қўпол равишда бузган ҳолларда ёки унинг (уларнинг) ширкат ишларини юритишга қобилиятсизлиги аниқланганда, ширкатнинг бир ёки бир неча бошқа иштирокчиларининг талабига биноан суд томонидан тўхтатилиши мумкин. Суднинг қарори асосида ширкатнинг таъсис шартномасига зарур ўзгартишлар киритилади.

20-модда. Ширкат фойдаси ва зарарларини тақсимлаш

Ширкат фойдаси ва зарарлари унинг иштирокчилари ўртасида, агар таъсис шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, уларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига мутаносиб равишда тақсимланади. Ширкатнинг бирор-бир иштирокчисини фойда ёки зарарларни тақсимлашда иштирок этишдан четлатиш тўғрисидаги келишув ҳақиқий эмас.

Агар ширкат томонидан кўрилган зарарлар оқибатида ширкат соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) миқдоридан камайиб кетса, соф активлар қиймати устав фонди (устав капитали) миқдоридан ошмагунга қадар ширкат томонидан олинган фойда иштирокчилар ўртасида тақсимланмайди.

21-модда. Ширкат иштирокчиларининг унинг мажбуриятлари юзасидан жавобгарлиги

Ширкат иштирокчилари ширкатнинг мажбуриятлари юзасидан ўз мол-мулклари билан солидар тарзда субсидиар жавобгар бўладилар.

Ширкат таъсис этилганидан кейин улушнинг ўтказилиши ёки ҳуқуқий ворислик тартибида унга аъзо бўлиб кирган ширкат иштирокчиси у ширкатга аъзо бўлиб киргунга қадар юзага келган мажбуриятлар юзасидан бошқа иштирокчилар билан тенг равишда жавобгар бўлади.

Ширкат таъсис этилганидан кейин янги иштирокчини қабул қилиш тартибида ширкатга аъзо бўлиб кирган ширкат иштирокчиси у ширкатга аъзо бўлиб киргандан кейин юзага келган мажбуриятлар бўйичагина жавобгар бўлади.

Ширкатдан чиқиб кетган иштирокчи ширкатнинг у чиқиб кетган пайтга қадар юзага келган мажбуриятлари юзасидан, у ширкатдан чиқиб кетган йил учун ширкатнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисобот тасдиқланган кундан эътиборан икки йил мобайнида, қолган иштирокчилар билан тенг равишда жавобгар бўлади.

17

Ёшлар ишсиз қолмайди

Нукусда ташкил этилган бизнес ривожига кўмаклашувчи марказнинг асл мақсади ёшларни иш билан бандлик муаммоларини ҳал этишдир.

Қорақалпоғистон Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, деб ёзади «Туркистон-пресс» мухбири, республика меҳнат бозорида 56 минг кишига талаб бўлгани ҳолда иш қидираётганлар сони 73 минг нафарни ташкил этади. Уларнинг асосий қисми эса ёшлар. Бизнес ривожига кўмаклашувчи марказ ёшларга мадад қўлини чўзмоқда. У истеъмол товарлари ва хизматлари бозорида маркетинг тадқиқотлари олиб бориб, ёшларга касб-ҳунар ўргатишни, ноҳукумат ташкилотлар қошида шўъба корхоналари очишни мўлжалламоқда.

ҲИКМАТ

Умрингга алданма,
ўтганга ёнма,
Молингга қувонма,
мулкка таянма.

Янги корхона иш бошлади

Ҳўқанди латифда яна бир корхона — «Қўқонтекс» иш бошлади. Ўзбекистон-Корея ҳамкорлиги маҳсули бўлган ушбу корхонада пахта толасидан мато тўқилади. Япония ва Германия ускуналари билан жиҳозланган ушбу корхонанинг ишга туширилиши билан ўнлаб ёшлар доимий иш билан таъминландилар.

нинг розилиги билан унга худди шундай қийматдаги мол-мулкни беришга мажбурдир.

Улуш (улушнинг бир қисми) ширкат иштирокчиси уни ширкат олсин деб талаб қўйган пайтдан эътиборан ширкатга ўтади.

Ширкат улушнинг (улуш бир қисмининг) ҳақиқий қийматини тўлашга ёки, агар ширкатнинг таъсис шартномасида камроқ муддат назарда тутилган бўлмаса, худди шундай қийматдаги мол-мулкни улуш (улушнинг бир қисми) ширкатга ўтган пайтдан эътиборан бир йил ичида беришга мажбурдир.

Улушнинг (улуш бир қисмининг) ҳақиқий қиймати ширкат соф активларининг қиймати билан ширкат устав фондининг (устав капиталининг) миқдори ўртасидаги фарқ ҳисобига тўланади. Агар бундай фарқ етарли бўлмаса, ширкат ўз устав фондини (устав капиталини) етишмаётган суммага камайтириши шарт.

Ширкатга қарашли улушлар ширкат иштирокчиларининг умумий йиғилишидаги овоз бериш натижаларини аниқлашда, шунингдек, ширкат тугатилган тақдирда унинг фойдаси ва мол-мулки тақсимланаётганда ҳисобга олинмайди.

Ширкатга қарашли улуш ширкатга ўтган кундан эътиборан бир йил ичида ширкат иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорига биноан ширкатнинг барча иштирокчилари ўртасида уларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига мутаносиб равишда тақсимланиши ёхуд ширкатнинг барча ёки айрим иштирокчиларига ва (ёки), агар бу ширкатнинг таъсис шартномасида тақиқланган бўлмаса, учинчи шахсларга сотилиши ва ҳақи тўлиқ тўланиши лозим. Улушнинг тақсимланмаган ёки сотилмаган қисмининг ҳақи ширкатнинг устав фонди (устав капитали) тегишлича камайтирилган ҳолда тўланиши керак. Улушни ширкат иштирокчилари улушлари миқдорлари ўзгарадиган тарзда жамият иштирокчиларига сотиш, улушни учинчи шахсларга сотиш, шунингдек, улушни сотиш билан боғлиқ ўзгаришларни ширкатнинг таъсис шартномасига киритиш ширкат иштирокчилари умумий йиғилишининг ширкатнинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинган қарорига биноан амалга оширилади.

17-модда. Ундирувни иштирокчининг ширкат устав фон-

ган тақдирда эса, ҳисса сифатида киритилган мулкдан фойдалана олмаганлиги оқибатида бой берилган фойдани ҳам қоплаши шарт.

14-модда. Ширкатнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш

Ширкат ўз устав фондини (устав капиталини) камайтиришга ҳақли, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда эса камайтиришга мажбурдир.

Ширкат устав фондини (устав капиталини) камайтириш ширкат иштирокчиларининг ширкат устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларининг номинал қийматини камайтириш ва (ёки) ширкатга тегишли улушларнинг ҳақини тўлаш орқали амалга оширилиши мумкин.

Ширкат, агар бундай камайтириш натижасида устав фондининг (устав капиталининг) миқдори ширкатнинг таъсис шартномасидаги тегишли ўзгартишларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиш санасида ушбу Қонунга мувофиқ белгиланган устав фонди (устав капиталининг) минимал миқдоридан кам бўлиб қолса, ушбу Қонунга мувофиқ ширкат ўз устав фондини (устав капиталини) камайтиришга мажбур ҳолларда эса – ширкат давлат рўйхатидан ўтказилган санадаги ҳолатга кўра ушбу Қонунга мувофиқ белгиланган устав фондининг (устав капиталининг) минимал миқдоридан кам бўлиб қолса, ширкат ўзининг устав фондини (устав капиталини) камайтиришга ҳақли эмас.

Ширкат иштирокчилари улушларининг номинал қийматини камайтириш йўли билан ширкатнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш ширкат барча иштирокчилари улушларининг миқдорлари сақлаб қолинган ҳолда амалга оширилмоғи лозим.

Ширкат давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида унинг устав фонди (устав капитали) тўлиқ тўланмаган тақдирда, ширкат ўзининг устав фондини (устав капиталини) амалда тўланган миқдоргача камайтиришини эълон қилиши ва унинг камайтирилганлигини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши ёки ширкатни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим.

Агар иккинчи ва ҳар бир кейинги молия йили тугаганидан кейин ширкат соф активларининг қиймати унинг

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

ХЎЖАЛИК ШИРКАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

I боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади хўжалик ширкатларининг тузилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Хўжалик ширкатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Хўжалик ширкатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

3-модда. Хўжалик ширкати

Муассисларнинг (иштирокчиларнинг) улушларига (ҳиссаларига) бўлинган устав фондига (устав капиталига) эга бўлган тижорат ташкилоти хўжалик ширкати ҳисобланади, бундай ширкатда муассислар (иштирокчилар) ёки улардан айримлари ширкат номидан тадбиркорлик фаолияти юритишда шахсан иштирок этадилар.

Хўжалик ширкати тўлиқ ширкат ёки коммандит ширкат шаклида тузилади.

Хўжалик ширкати, агар унинг таъсис шартномасида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, номуайян муддатга тузилади.

Хўжалик ширкати ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкига эга бўлади, ўз номидан ҳуқуқларни олиши, мажбуриятларга эга бўлиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Хўжалик ширкати қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай турдаги фаолиятни амалга ошириши мумкин.

Рўйхати қонунларда белгиланадиган фаолиятнинг айрим турлари билан хўжалик ширкати фақат лицензия асосида шуғулланиши мумкин.

Хўжалик ширкати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг муассиси (иштирокчиси) бўлиши, ваколатхоналар ва филиаллар ташкил этиши

даланадилар. Ҳисса қўшувчи томонидан бутун улушининг ўзга шахсга ўтказилиши унинг ширкатдаги иштирокини тугатади.

Коммандит ширкатнинг таъсис шартномасида ҳисса қўшувчининг бошқа ҳуқуқлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Коммандит ширкатнинг ҳисса қўшувчиси ширкатнинг устав фондига (устав капиталига) ҳиссани ширкатнинг таъсис шартномасида белгиланган муддатда қўшиши шарт. Ҳиссанинг қўшилганлиги ҳисса қўшувчига ширкат томонидан бериладиган иштирок этиш тўғрисидаги гувоҳнома билан тасдиқланади.

31-модда. Коммандит ширкатни қайта ташкил этиш ва тугатиш

Коммандит ширкатни қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Коммандит ширкат унда иштирок этган барча ҳисса қўшувчилар ширкатдан чиққан тақдирда, шунингдек, ушбу Қонун 27-моддасида назарда тутилган тўлиқ ширкатни тугатиш асослари бўйича тугатилади.

Барча ҳисса қўшувчилар ширкатдан чиққан тақдирда тўлиқ шериклар коммандит ширкатни тугатиш ўрнига уни тўлиқ ширкатга айлантиришга ҳақлидирлар.

Коммандит ширкат тугатилган тақдирда, шу жумладан, у банкрот бўлган тақдирда, ҳисса қўшувчилар ширкатнинг кредиторларнинг талаблари қондирилганидан кейин қоладиган мол-мулкидан ҳиссалар олишда тўлиқ шериклар олдида имтиёзли ҳуқуққа эгадирлар. Ширкатнинг шундан кейин қолган мол-мулки тўлиқ шериклар ўртасида, агар таъсис шартномасида ёки тўлиқ шериклар ва ҳисса қўшувчиларнинг келишувида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, уларнинг ширкат устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 6 декабрь.

Ширкатнинг ҳар бир иштирокчиси, агар таъсис шартномасида иштирокчилар овозининг сонини аниқлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, бир овозга эга бўлади.

Ширкатнинг ҳар бир иштирокчиси, у ширкатнинг ишларини юритишга ваколатли ёки ваколатли эмаслигидан қатъи назар, ишларни юритишга доир барча ҳужжатлар билан танишишга ҳақлидир. Бундай ҳуқуқдан воз кечиш ёки уни чеклаб қўйиш, шу жумладан, ширкат иштирокчиларининг келишувига биноан чеклаб қўйиш ҳақиқий эмас.

Ширкатнинг жорий фаолиятини бошқариш мақсадида таъсис шартномасида ширкатнинг ижро этувчи органини тузиш назарда тутилиши мумкин. Ижро этувчи органни тузиш ва унинг ваколатлари, унинг аъзоларига ҳақ тўлаш тартиби ширкатнинг таъсис шартномаси ҳамда бошқа ҳужжатлари билан белгиланади.

19-модда. Ширкатнинг ишларини юритиш

Агар таъсис шартномасида ширкат ишлари унинг барча иштирокчилари томонидан биргаликда юритиши белгилаб қўйилмаган ёхуд ишларни юритиш айрим иштирокчиларга топширилмаган бўлса, ширкатнинг ҳар бир иштирокчиси ширкат номидан иш юритишга ҳақлидир.

Ширкат ишлари унинг иштирокчилари томонидан биргаликда юритилаётганда ҳар бир битимни амалга ошириш учун ширкат барча иштирокчиларининг розилиги талаб қилинади.

Агар ширкат ишларини юритиш унинг иштирокчилари томонидан улардан бири ёки айримларига топширилса, қолган иштирокчилар ширкат номидан битимларни амалга ошириш учун ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган иштирокчидан (иштирокчилардан) ишончнома олишлари керак.

Ширкат учинчи шахслар билан муносабатларда таъсис шартномасининг ширкат иштирокчилари ваколатларини чеклаб қўювчи қоидаларига ҳавола қилишга ҳақли эмас, учинчи шахс битимни амалга ошириш пайтида ширкат иштирокчисининг ширкат номидан иш юритишга ҳаққи йўқлигини билганлигини ёки билиши лозимлигини ширкат исботлаб берадиган ҳоллар бундан мустасно.

Ширкат ишларини юритиш бўйича бир ёки бир неча иштирокчига берилган ваколатлар асослар мавжуд бўлган

ши билан боғлиқ ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиниши керак. Бунда ширкат иштирокчиси улушининг номинал қиймати унинг қўшимча ҳиссаси қийматидан кўпроқ суммага кўпайтирилиши мумкин эмас, ширкатга қабул қилинадиган ҳар бир учинчи шахс томонидан олинадиган улушнинг номинал қиймати унинг ҳиссаси қийматидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Қўшимча ҳиссаларни қўшишнинг муддати тугаган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай ширкат иштирокчиларининг қўшимча ҳиссаларини ва (ёки) учинчи шахсларнинг ҳиссаларини қўшиш якунларини тасдиқлаш ҳақида, шунингдек, ширкат устав фонди (устав капитали) миқдорини кўпайтириш, қўшимча ҳиссалар қўшган ширкат иштирокчилари улушларининг номинал қийматини кўпайтириш ва (ёки) учинчи шахснинг (учинчи шахсларнинг) улушининг номинал қиймати ва миқдорини аниқлаш, зарур ҳолларда, шунингдек, ширкат иштирокчилари улушларининг миқдори ўзгариши билан боғлиқ ўзгартишларни ширкатнинг таъсис шартномасига киритиш тўғрисида ширкат иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан бир овоздан қарор қабул қилиниши керак.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда, агар ҳиссалар қўшишнинг ширкат иштирокчилари умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддати ўтганидан кейин, белгиланган қўшимча ҳисса бир ёки бир неча иштирокчи томонидан тўлиқ ёки қисман қўшилган бўлмаса, умумий йиғилиш:

қўшимча ҳиссалар умумий қийматининг дастлабки белгиланган миқдорини ширкат иштирокчиларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушини тегишлича ўзгартирган ҳолда амалда қўшилган ҳиссаси миқдорига қадар улар амалда қўшган қўшимча ҳиссаларни ҳисобга олган ҳолда камайтириш тўғрисида;

қўшимча ҳиссалар умумий қийматининг дастлабки белгиланган миқдорини ширкат иштирокчиларининг ширкат устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги олдинги йиғилиши қарори билан белгиланган улушини сақлаб қолиш имкониятини берадиган миқдоргача камайтириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бу ҳолда ширкат ўн кунлик муддат ичида олдинги йиғилиш қарори билан белгиланган устав фондидаги (устав капи-

лар юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга билдириш тариқасида тақдим этилади. Таъсис шартномасидаги мазкур ўзгартишлар юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган бундай ўзгартишлардан хабардор қилинган пайтдан эътиборан учинчи шахслар учун кучга киради.

5-модда. Хўжалик ширкатининг иштирокчилари

Якка тадбиркорлар ва тижоратчи ташкилотлар тўлиқ ширкатнинг иштирокчилари ҳамда коммандит ширкатда тўлиқ шериклар бўлишлари мумкин.

Юридик ва жисмоний шахслар коммандит ширкатда ҳисса қўшувчилар бўлишлари мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, тўлиқ ширкатнинг иштирокчилари ва коммандит ширкатнинг тўлиқ шериклари, шунингдек, коммандит ширкатда ҳисса қўшувчилар бўлишга ҳақли эмаслар.

6-модда. Хўжалик ширкати иштирокчиларининг ҳуқуқлари

Хўжалик ширкати иштирокчилари қуйидагиларга ҳақлидирлар:

хўжалик ширкатининг ишларини бошқаришда қатнашиш, ушбу Қонун 29-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

хўжалик ширкатининг фаолияти тўғрисида ахборот олиш, таъсис шартномасида белгиланган тартибда бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатлар билан танишиш;

фойдани тақсимлашда иштирок этиш;

хўжалик ширкати тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда олиш.

Хўжалик ширкатининг иштирокчилари қонун ҳужжатларида ва ширкатнинг таъсис шартномасида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

7-модда. Хўжалик ширкати иштирокчиларининг мажбуриятлари

Хўжалик ширкатининг иштирокчилари:

ушбу Қонун ва таъсис шартномасида назарда тутилган тартибда, миқдорларда, усулларда ва муддатларда ҳисса қўшишлари;

хўжалик ширкатининг фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қилмасликлари шарт.

янги иштирокчиларни қабул қилишга ва ширкатни сақлаб қолишга, ширкат томонидан амалга оширилаётган фаолиятни молиялаштириш тўғрисида ҳисса қўшувчилар билан шартнома тузишга ва коммандит ширкат тузишга, ширкатни қайта тузиш ёки тугатишга ҳақлидир.

Агар ширкатнинг таъсис шартномасида ёки қолган иштирокчиларнинг келишувида ширкат ўз фаолиятини давом эттириши назарда тутилган бўлмаса, ширкат ушбу Қонун 22-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолларда ҳам тугатилади.

III боб. КОММАНДИТ ШИРКАТ

28-модда. Коммандит ширкат тушунчаси

Ширкат номидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган ҳамда ширкатнинг мажбуриятлари бўйича ўзларининг бутун мол-мулклари билан жавоб берадиган иштирокчилар (тўлиқ шериклар) билан бир қаторда ширкат фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалар доирасида жавобгар бўладиган ҳамда ширкат томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда иштирок этмайдиган бир ёки бир неча иштирокчи (ҳисса қўшувчи, коммандитчи) мавжуд бўлса, бундай ширкат коммандит ширкат деб ҳисобланади.

Коммандит ширкатда иштирок этаётган тўлиқ шерикларнинг ҳуқуқлари ва уларнинг ширкат мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги ушбу Қонуннинг тўлиқ ширкат иштирокчилари тўғрисидаги қоидалари билан белгиланади.

Шахс фақат битта коммандит ширкатда тўлиқ шерик бўлиши мумкин.

Тўлиқ ширкат иштирокчиси коммандит ширкатда тўлиқ шерик бўла олмайди.

Коммандит ширкатдаги тўлиқ шерик ўша ширкатнинг ўзида ҳисса қўшувчи ва бошқа тўлиқ ширкатда иштирокчи бўлиши мумкин эмас.

Коммандит ширкатнинг фирма номи ё барча тўлиқ шерикларнинг номларини (номланишини) ва "коммандит ширкат" деган сўзларни ёхуд камида битта тўлиқ шерикнинг "ва компания" деган сўзлар қўшилган ҳолдаги номини (номланишини), шунингдек, "коммандит

Ширкат иштирокчиларининг ушбу моддада назарда тутилган жавобгарликни чеклаш ёки бартараф этиш тўғрисидаги келишуви ҳақиқий эмас.

22-модда. Ширкат иштирокчиларининг таркибини ўзгартириш

Ширкат иштирокчиларидан бири ундан чиқиб кетган ёки вафот этган, улардан бирортаси бедарак йўқолган, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган ёхуд банкрот деб топилган, иштирокчилардан бирига нисбатан суднинг қарорига кўра қайта ташкил этиш тадбирлари бошланган, ширкатда иштирок этаётган юридик шахс тугатилган ёхуд иштирокчилардан бирининг кредитори ундиришни мол-мулкнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) унинг улушига тўғри келадиган қисмига қаратган ҳолларда, агар бу ширкатнинг таъсис шартномасида ёки қолган иштирокчиларнинг келишувида назарда тутилган бўлса, ширкат ўз фаолиятини давом эттириши мумкин.

Ширкат иштирокчилари бирор-бир иштирокчини қолган иштирокчиларнинг бир овоздан қабул қилган қарорига кўра ва бунга асослар мавжуд бўлган тақдирда, хусусан, ана шу иштирокчи ўз мажбуриятларини кўпол равишда бузган ҳолларда ёки унинг ширкат ишларини юритишга қобилиятсизлиги аниқланганда, ширкатдан суд тартибида чиқариб юборишни талаб қилишга ҳақлидирлар.

Ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ ширкат ўз фаолиятини давом эттирган тақдирда, шунингдек, иштирокчининг ширкат мол-мулкидаги улуши бошқа иштирокчиларга ёки учинчи шахсларга ўтган, иштирокчи ширкатдан чиқариб юборилган ёхуд ширкатга янги иштирокчилар қабул қилинган ҳоллардагина ширкат таъсис шартномасига тегишли ўзгартишлар киритилган ҳолда қайта рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлади.

23-модда. Иштирокчининг ширкатдан чиқиб кетиши

Ширкатнинг иштирокчиси ширкатда иштирок этишдан воз кечишини билдириб, ундан чиқиб кетишга ҳақли.

Номуайян муддатга таъсис этилган ширкатда иштирок этишдан воз кечишини иштирокчи ширкатдан амалда чиқиб кетишдан камида уч ой олдин билдириши керак. Муайян муддатга таъсис этилган ширкатда иштирок этишдан, ширкатнинг таъсис шартномасида белгилаб қўйиладиган узрли сабабга кўрагина, муддатидан илгари воз

га) ҳисса сифатида ширкатга фойдаланиш учун бериб қўйган мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқининг муддатидан илгари тугатилганлиги учун ширкат иштирокчиси томонидан товон тўлашнинг бошқача тартиби таъсис шартномасида назарда тутилган бўлиши мумкин.

Ширкатдан чиқарилган ёки ундан чиқиб кетган иштирокчи томонидан ширкатга устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида фойдаланишга берилган мол-мулк, агар таъсис шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, у қанча муддатга берилган бўлса, шунча муддат давомида ширкатнинг фойдаланишида қолаверади.

Ўз ҳиссасини тўлиқ киритган ширкат иштирокчисига гувоҳнома берилади.

11-модда. Ширкат устав фондининг (устав капиталининг) кўпайтирилиши

Ширкат устав фондини (устав капиталини) кўпайтиришга у тўлиқ тўланганидан кейингина йўл қўйилади.

Ширкат устав фондининг (устав капиталининг) кўпайтирилиши ширкат мол-мулки ҳисобига ва (ёки) ширкат иштирокчиларининг қўшимча ҳиссалари ҳисобига ва (ёки) агар бу ширкатнинг таъсис шартномасида тақиқланган бўлмаса, ширкатга қабул қилинадиган учинчи шахсларнинг ҳиссалари ҳисобига ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Устав фондининг (устав капиталининг) кўпайтирилиши ширкат иштирокчилари умумий йиғилишининг бир овоздан қабул қилинган қарорига кўра амалга оширилади.

12-модда. Ширкат устав фондини (устав капиталини) унинг мол-мулки ҳисобига кўпайтириш

Ширкат устав фондини (устав капиталини) ширкатнинг мол-мулки ҳисобига кўпайтириш тўғрисидаги қарор шундай қарор қабул қилинган йилдан олдинги йил учун ширкатнинг бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосидагина қабул қилиниши мумкин.

Ширкат устав фонди (устав капитали) ширкатнинг мол-мулки ҳисобига кўпайтириладиган сумма ширкат соф активларининг қиймати билан устав фонди (устав капитали) суммаси ўртасидаги фарқдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Ширкатнинг устав фонди (устав капитали) ушбу моддага мувофиқ кўпайтирилганда ширкат барча иштирокчилари улушларининг миқдорлари ўзгармаган ҳолда улар

ширкат соф активлари қийматининг унинг ширкат устав фондидаги (устав капиталидаги) улуши миқдорига мутаносиб бўлган бир қисмига мос бўлади.

Ширкат давлат рўйхатидан ўтказиладиган пайтга қадар унинг ҳар бир иштирокчиси ўз ҳиссасининг камида ўттиз фоизини ширкатнинг устав фондига (устав капиталига) киритиши шарт. Ҳиссанинг қолган қисми таъсис шартномасида кўрсатилган муддатда киритилиши лозим бўлиб, бу муддат ширкат давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

10-модда. Ширкатнинг устав фондига (устав капиталига) қўшиладиган ҳиссалар

Пул, қимматли қоғозлар, бошқа ашёлар ёки мулкий ҳуқуқлар ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳуқуқлар иштирокчиларнинг ширкат устав фондига (устав капиталига) қўшадиган ҳамда ширкатга қабул қилинадиган учинчи шахсларнинг ҳиссалари бўлиши мумкин.

Ширкатнинг устав фондига (устав капиталига) пулсиз ҳиссасининг пул ҳисобидаги баҳоси ширкатнинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинадиган ширкат иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланади.

Ширкатга тегишли мол-мулк унга устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида фойдаланишга берилган муддат ўтгунига қадар мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи тугатилган тақдирда, ширкатнинг мол-мулкни берган иштирокчиси ширкатнинг талабига биноан унга шундай мол-мулкдан шунга ўхшаш шароитларда қолган муддат мобайнида фойдаланганлик учун тўланадиган ҳаққа тенг пул товони тўлаши шарт. Пул товони ширкат томонидан уни бериш талабномаси тақдим этилганидан эътиборан, агар ширкат иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори билан товон тўлашнинг бошқача тартиби белгиланган бўлмаса, бир ой ичида бир йўла тўланиши керак. Бундай қарор ширкатнинг устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини берган ва бу ҳуқуқ муддатидан илгари тугатилган ширкат иштирокчисининг овозини ҳисобга олмаган ҳолда ширкат иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Ширкат иштирокчиси устав фондига (устав капитали-

кечиш мумкин.

Ширкатдан чиқиш ҳуқуқидан воз кечиш тўғрисидаги ширкат иштирокчилари ўртасидаги келишув ҳақиқий эмас.

24-модда. Ширкатга янги иштирокчиларни қабул қилиш

Ширкатга янги иштирокчилар ширкат барча иштирокчиларининг розилиги билангина қабул қилиниши мумкин.

Янги иштирокчилар қабул қилинганда ширкатнинг таъсис шартномасига:

иштирокчиларнинг ширкат устав фондидаги (устав капиталидаги) улушлари янги миқдорига;

ширкатни бошқариш тартибига;

ширкатнинг янги иштирокчиси томонидан қўшиладиган ҳисса миқдори, уни қўшиш тартиби, муддатлари ва усулига оид ўзгартишлар киритилади.

Янги иштирокчи қабул қилиниши муносабати билан ширкатнинг таъсис шартномасига бошқа ўзгартишлар ҳам киритилиши мумкин.

25-модда. Иштирокчининг ширкатдан чиқиб кетиши оқибатлари

Ширкатдан чиқиб кетган иштирокчига, агар таъсис шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ширкат мол-мулкининг шу иштирокчининг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушига тўғри келадиган қисмининг қиймати тўланади. Чиқиб кетаётган иштирокчининг қолган иштирокчилар билан келишувига биноан мол-мулкнинг қийматини тўлаш мол-мулкни асли ҳолида бериш билан алмаштирилиши мумкин.

Ширкат мол-мулкининг чиқиб кетаётган иштирокчига тегишли қисми ёки унинг қиймати чиқиб кетиш пайтидаги ҳолатга кўра тузиладиган баланс бўйича аниқланади, ушбу Қонун 17-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳол бундан мустасно.

Чиқиб кетаётган иштирокчига ширкат шу йили олган фойданинг унга тегишли қисми тўланади.

Ширкат иштирокчиси вафот этган тақдирда, унинг меросхўри фақат бошқа иштирокчиларнинг розилиги билан ширкатга кириши мумкин.

Ширкатда иштирок этган қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқий вориси бўлган юридик шахс, агар ширкатнинг таъсис шартномасида ўзгача қоида назарда

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 136-29-89;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 3115. 34610 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Зокир БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — М. Носиров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 топширилди: 22.50 1 2 3 4 5 6